



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 9-yanvar • Shanba • 4 (30.124) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## 2010 йил — Баркамол авлод йили!



Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилда бунёд этилган Шайхонтохур туманидаги Болалар ижодиёти уйи бугун мактаб ўқувчилари билан ҳар қачонгидан гавжум. Улар қишки таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган.

## БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ

келажакимиз эгаларининг ҳар жиҳатдан билимдон бўлиб ўсишига хизмат қилмоқда

Хозирда ушбу таълим масканида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 3000 нафарга яқин ўғил-қизлар амалий ва бадий санъат, спорт ҳамда техника йўналишидаги жами 42 та тўғарақда билим ва ҳунар сирларини кунт билан ўзлаштирмоқда. Бу ерда болаларга малякали мутахассислар мусиқа, тасвирий санъат, ўймакорлик, либос-дизайн, бадий тўқиш, тикиш-бичиш, шоҳмат, радио-электроника каби соҳалардан сабоқ бермоқда.

— Бу ерда келганимга эндигина беш кун бўлди, — дейди пойтахтимиздаги 212-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Бекзод Норқобилов. — Шу қисқа фурсат ичида устозимдан гул шаклини тасвирлашнинг тўрт хил усулини ўргандим.

— Бир йилдан бери либос-дизайн тўғарагига қатнашаман, — дейди Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқувчиси Азиза Зайниддинова. — Опам ҳам унга аъзо. Катта бўлсам албатта, машҳур дизайнер бўлмоқчиман.

Мазкур Болалар ижодиёти уйида маънавий-маърифий соҳадаги ишлар ҳам яқши йўлга кўйилган. Чунончи, болалар

дунёқарошига мос келадиган ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ўрин олган каттагина кутубхона ўқувчилар ихтиёрида.

— Шу кунларда муассасамизда болалар адабиёти ва санъати музей-кутубхонаси очилиши режалаштирилган, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар уринбосари Малика Ҳасанхужаева. — Таъкидлаш жоизки, Урта Осиёда ягона бўлган ушбу музейнинг ташкил этилишида ўзХДП фаол аёллар қаноти аъзоси Малика Барноева бизга яқиндан ёрдам бермоқда.

Хозирда, Ватан химоячилари кўнига бағишлаб, Болалар ижодиёти уйи ҳамда Болалар ижодиёти маркази ҳамкорликда байрам тадбирлари ўтказиш режалаштирилган.

Дилшод НАРУЗЛАЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

## МУСТАҚИЛЛИК ҲИМОЯСИ:

### ДОЛҒАЛИ ЙИЛЛАРДАН ОСОЙИШТА КУНЛАРГАЧА

Вақт ўтиши билан узоқ ва яқин тарихда рўй берган кўпгина воқеа-ҳодисалар унутилиши, инсон ёдидан кўтарилиши мумкин ва бу ҳам табиий ҳол. Лекин одамнинг ўзи бевосита иштирокчи бўлган, унинг қалби ва ҳаёлига чуқур ўрнашиб, муҳрланиб қолган шундай кунлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон хотирадан ўчмайди.

Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёналари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин. Ва ишончим комилки, ордан йиллар, асрлар ўтади — халқимизнинг истиқлолга эришиш тарихини ўрганадиган, бу тарихни авлодларимизга ҳужжатлар ва китоблар орқали етказадиган тадқиқотчилар бу икки буюк воқеа бир-бири билан боғлиқ эканининг тасдиғини ҳар қадамда кўради.

Ислом КАРИМОВ

Жонажон юртимизнинг тарихан қисқа ўтган даврига назар ташлар эканмиз, Ватанимизнинг мустақиллик тарихи бутун мураккабликлари, қувонч ва изтироблари билан кўз олдимизда ёрқин намён бўлади. Ва айтиш пайтда, йўлимизда дуч келган қанчадан-қанча қийинчилик ва тўсиқларни, машаққатларни энг-

ган ҳолда босқичма-босқич эришадиган натижаларимиз, бу — ёш ва мустақил давлатимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўладики, маънавий қадриятларимизни, дину дёнатиимизни тиклаш бўладики, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қарор топтириш, юртимизни дунё-

га танитиш бўладими — барча соҳаларда қўлга киритаётган юксак марраларимиз қалбимизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Шулар қаторида, катта машаққатлар эвазига қўлга киритган мустақиллигимиз ва озодлигимизни асраш, тинч-осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилишдек энг муҳим, устувор мақсадимизга хизмат қиладиган яна бир соҳа борки, биз уни истиқлолимиз тарихидан айри ҳолда тасаввур қилолмаймиз. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустақиллигимизнинг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган миллий армиямизни барпо этиш жараёналари Ўзбекистоннинг мустақиллигини қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлаш тарихи билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

(Давоми  
2 ва 3-бетларда)



8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида»ги қонуннинг 52-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Мазкур қонуннинг 50-моддасига кўра, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Олий Мажлис Сенатига сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2010 йил 18-23 январь кунлари ўтказилиши лозим.

Комиссия аъзолари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим сайлов округларида 2010 йил 10 январда ўтказилган такрорий овоз беришга тайёргарлик

дан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Марказий сайлов комиссиясининг қабул қилинган қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар ораси-

дан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қабул қилинган қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар ораси-

дан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

### ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти 2006 йилда ташкил топган бўлиб, хозирда 95813 нафар йигит-қизни ўз атрофига жамлаган. Кенг миқёсда ўтказиладиган тадбирлар давомида интилувчан, ташаббускор ёшлар ҳисобига аъзоларимиз сафи ошииб бормоқда. Мисол учун биргина «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» танловига фаол қатнашган ёшлардан мингта яқини партияимиз сафига қабул қилинди. Партия ёшлардан муносиб захира шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Бугун бунини маҳаллий кенгашларда 250 нафарга яқин ёшлар фаолият кўрсатаётганидан ҳам билса бўлади.

## ИСТЕЪДОДЛИ, ЭЪТИҚОДЛИ ЕТАКЧИЛАР

Ўтган давр мобайнида «истиқбол»чилар кўплаб ташаббусларни амалга оширди. Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари қошида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари» ташкил этилди. «Тенгдош-тенгдошга» акциялари бўйича ёшлар муаммоларини ҳал этишда бир-бирларига кўмаклашмоқда. Ёш сиёсатчи кўрик-танловлари воқеасида юзлаб ёш сиёсатчилар, истеъдодли етакчилар кашф этилди. «Ёш сиёсатчилар» клуби ёшларнинг онги ва тафаккурини ошириш, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларга ўз шахсий муносабатларини билдира олиш, мустақил фикрга эга бўлишга кўмаклашиш мақсадида фаолият олиб бормоқда.

Бугун «Истиқбол» партияимизнинг ишончли, мустаҳкам пойдеворига айланиб улгурди. Президентимиз томонидан 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилинган ёшлар қаноти фаоллари ва аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида соғлом

турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида кўплаб тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Жумладан, кўрик-танловларни янада қизиқарли ва юқори савияда ташкил этиш, «Ёш сиёсатчилар клуби» координаторларини ўқитиш, «Ёш сиёсий шарҳловчилар», «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари» фаолиятини вилоятларда янада тақомиллаштириш, республика ҳамда минтақавий ўқув лагерлари ташкил этиш масалалари асосий эътиборимизда. Бу билан биз ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Фаолиятимизнинг асосий мақсадларидан яна бири ўсиб келаётган йигит-қизлар орасидан ёш сиёсатчи, сиёсий шарҳловчи ва етакчиларни тайёрлашдир.

Шоҳрух АБДУРАҲМОНОВ,  
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти  
Марказий бошқаруви  
раиси ўринбосари.

### 14 январь — Ватан химоячилари куни

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалити топширилди

Юртбошимиз ташаббуси билан Ватанимизнинг муқофаси қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ватан химоячилари куни арафасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида фидокорона хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар учун барпо этилган уй-жойларнинг фойдаланишга топширилаётгани ҳам ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир.

Андижон ҳарбий горнизони ҳудудида ҳам бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалити топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар юртимизда ҳарбий хизмат ҳар бир йигитнинг орузи, шон-шараф ишига айланиб бораётгани, Ватан озодлиги, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг энг олий вазифаси эканини таъкидладилар.

Янги уйга эга бўлган ҳарбийлар давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнун эканликларини изҳор этдилар.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири.



СННОПТИК  
БАШОРАТИ

4







